

ЯШИЛ ПОЙТАХТ МАҚОМИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА ЧИҚАРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН САБОҚЛАР

Шерзод Мустафакулов,
Халқаро Нордик университети ректори,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор.

Бир қўл иккинчи қўлни ювади, икки қўл бирлашиб юзни
ювади

Мамлакатимиз барқарор ривожланишининг миллий мақсадларини қабул қилишда дунё ҳамжамиятига қўшилиб, бугунги глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш, экология ва биологик хилма-хилликни сақлаш каби соҳаларга катта эътибор қаратмоқда. Ушбу мақоламизда яшил тикланиш ва ривожланишда билишимиз керак бўлган халқаро тажрибаларга назар соламиз. Зеро, яшил шаҳарлар тамойиллари билан танишиш, уларнинг атроф-муҳит эҳтиёжларига мослаштирилган ечимларга асосланган чоратадбирлар комбинацияси моҳиятини билиш барқарор келажакка ўтишимизда йўл кўрсаткич бўлиши мумкин.

Дунёда ўз яшил дастурига эга флагман шаҳарлардан бири – Лахтидир. Лахти шаҳри Финляндиянинг ажойиб хазинаси бўлиб, у Финляндия қўлларининг ноёб дунёсига "эшик" деб аталади. Лахти - Хелсинкидан 100 км узоқликда жойлашган замонавий саноат шаҳри. У Весижарви қўлининг жанубий қисмида жойлашган ва Финляндия қўлларининг ажойиб дунёсига ўзига хос "shlyuz" ҳисобланади.

Маълумки, шаҳарларни истиқболга элтувчи асосий мезонлар сифатида шахсий фаровонлик, иктисодиёт, инновациялар ва бошқарув эътироф этилади. Дунё бўйлаб юзлаб шаҳарлар экологик ва ижтимоий барқарорлик даражасига кўра ва экологик хавфсиз инфратузилмаларига асосан тартибловчи глобал индексда баҳоланиб келади. Индексга кирган шаҳарлар атроф-муҳит барқарорлиги ва ижтимоий мўътадилликка путур етказмасдан бизнес юритиш ва сайёҳларни жалб қилиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда барча мамлакатларда аҳолининг асосий қисми шаҳар марказларида яшашга тобора кўпроқ интилмоқда. Қизиғи шундаки, йирик мега-шаҳарларда ўн миллионлаб шаҳарликлар (масалан, Токио 37,5 миллион, Деҳли 28,5 миллион, Шанхай 25,6 миллион, Сан-Паулу 21,7 миллион, Мехико 21,6 миллион) истиқомат қилади. Шундай бўлса-да, шаҳар аҳолисининг ярмига яқини шаҳар четроқларида яшайди. Шаҳар марказларидаги бундай инсон агломерацияси жуда катта миқдордаги ресурслар ва товарларни истеъмол қилишни талаб қилади.

Бу эса, шаҳарларнинг экологик ҳолатини кўпинча 200 баравардан кўпроқ ифлослантиришга сабаб бўлади.

БМТ статистикасига кўра, урбанизация ўсиши мавжуд шаҳар инфратузилмасининг кескин ўзгаришига олиб келади. Бу маҳаллий турмуш тарзи натижасида замонавий шаҳар тизимлари медреснизация қилинмас экан, **яроқли сув ҳавзаларини канализацияга айлантиради.** Шаҳарларнинг мувозанатсиз метаболизми глобал ўзгаришларнинг асосий сабабларидан бирига айланади.

Урбанизация жараёнини илмий ҳисоб-китобларга асосан бошқаргани учун ҳам Лахти шаҳри 2021 йилда Европанинг яшил пойтахти унвонига сазовор бўлди. Шаҳар атроф-муҳити, иқтисодиёти ва аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган маҳаллий дастурларни ҳаётга изчил татбиқ қилингани боис мана шундай натижага эришган. Атроф-муҳитни яхшилаш бўйича реал тартиблар, истиқболли мақсадларнинг ҳаётга кенг татбиқ этиб борилиши илмий асосланган.

Шаҳар такрорий иқтисодиётни яратишдаги ютуқлари учун ҳам тақдирланган. Зеро, ҳозирда Лахтида чиқиндиларнинг 97 фоизи қайта ишланади ёки қайта ишлатилади. Шаҳар, шунингдек, дунёдаги энг тоза водопровод суви билан ҳам мақтана олади.

Шаҳар маъмуриятининг таъкидлашича, 2025 йилга келиб иссиқхона газлари чиқиндиларини 1990 йилдагига нисбатан 80 фоизга камайтириш ва углеродсиз шаҳарга айланиш, 2050 йилга келиб эса чиқиндисиз иқтисодиётни барпо этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, шаҳарларнинг экологик ролини ошириш мақсадида бутун Европа бўйлаб экологик жиҳатдан камроқ зарарлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Европа Комиссияси **Европа Яшил пойтахт мукофотини** таъсис этганлиги ҳам бундай ижобий интилишга сабаб бўлди.

Халқимизнинг бир қўл иккинчи қўлни ювади, икки қўл бирлашиб юзни ювади, деган нақлида катта маъно бор. Атроф-муҳити, ўзининг иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳаёт сифатини яхшилашга қартилган жамоатчилик ҳаракатини шакллантира олгани Лахти шаҳрининг энг катта ютуғи бўлди. Жамоатчилик назорати ўрнатилган экологик тартиб ва тарғиботлар ўлароқ, баҳолаш жараёнида кўриб чиқилган асосий кўрсаткичлар ҳаво сифати, шовқин, чиқиндилар, сувдан тортиб табиат ва биологик хилма-хиллик, ердан барқарор фойдаланиш ҳамда тупроқ, яшил гиёҳ, эко инновация, иқлим ўзгаришини юмшатиш каби тамойиллар амалда татбиқ қилинди. Шу билан бирга, мослашиш, барқарор шаҳар ҳаракати, энергия самарадорлиги ва бошқарувни мувофиқлаштириш каби принциплар ҳаётга заруратга айланди.

Шаҳарлар ҳар бир кўрсаткичнинг жорий ҳолати тўғрисида далилларни, шунингдек, олдинги шароитлар, шу жумладан, сўнгги 5-10

йил ичида уларни ҳал қилиш бўйича амалга оширилган стратегиялар, қисқа ва узоқ муддатли мақсадли ёндашувлар билан мезонлаштирилди. Мазкур индексга кириш учун иштирокчилар ўз шаҳарлари тўғрисидаги концепцияни тақдим этишлари керак бўлади, унда улар дуч келадиган асосий муаммолар қандай курашишни режалаштиришга боғлиқ.

Баҳолаш индексига кириш учун номзод шаҳарлар ариза билан мурожаат қилиб "Яхши амалиёт дастури"ни тақдим этишлари керак. Шаҳарлар уч йўналишда натижани тақдим этишга таклиф қилинади. "Яхши амалиёт" баҳолаш жараёнига келсак, Европа Яшил пойтахт мукофоти жараёнида иштирок этувчи ҳар бир шаҳар томонидан тақдим этилган маълумотларни баҳолаш учун экспертлар гуруҳини тўплайди (Европа Комиссияси).

Чунончи, 2010 йилда Стокгольмга (Швеция) Европа Яшил пойтахт мукофоти берилганидан буён кўплаб шаҳарлар барқарор амалиётларни киритиш учун рақобатни ошириб бомоқдалар. Бу қувонарли ҳол бўлиб, шаҳарларда туризм иқтисодиёти ўсишининг ягона манбаи ҳисобланади.

Лахти аҳолисининг ҳамжихатликдаги хатти-ҳаракатлари

Лахтианларнинг тафаккури ўнлаб йиллар давомида кўплаб экологик тоза шаҳар амалиётлари билан мос келади. Шунга қарамай, ютуқлардан қониқмаган Лахти атроф-муҳитнинг долзарб муаммоларини баҳолайди. Экологияни табиий муҳитда сақлаш учун сармоя киритади. Табиий манбалардан ҳаддан ташқари фойдаланиш (масалан, қайта ишланган ер массаларидан кенгроқ фойдаланиш ўрнига йўл қурилишида бирламчи кум материали) шаҳарда ҳамон ташвиш уйғотади.

Шунга қарамай, Европа Яшил пойтахт мукофотини қўлга киритди, шаҳарнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган барча чоралари ва мақсадлари муқаррар равишда амалга оширилди. Ушбу турдаги муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий усулларини (масалан, экологик таълим ва ихтисослаштирилган маслаҳатлар) излаш билан бир қаторда, шаҳар биргаликда ва айланма иқтисодиётни рағбатлантириш каби инновацион усулларни ҳам қидирмоқда. Бундан ташқари, Лахти жамоатчилиқ иштирокининг янги усулларини, жумладан, бюджетлаштиришни биргаликда ишлаб чиқиш ва ривожлантириш борасида ҳам жуда фаол.

Лахти рақамли иқтисодиёт ёрдамида ҳаракатчанлик эмиссияси бўйича шахсий углерод савдосини синовдан ўтказган дунёдаги биринчи шаҳардир. Бундан мақсад фуқароларнинг ҳаракатчанликка муносабати ва хулқ-атворини ўзгартириш, шахсий автомобиллардан фойдаланишдан экологик тоза ҳаракатланишга ўтишни рағбатлантиришдан иборат. Лахти, шунингдек, 60 га яқин оилани 1,5 даражали турмуш тарзига

ўтишга илҳомлантирадиган тажрибани ишлаб чиқди. Бу ҳаёт тарзидаги углерод изларини камайтириш учун муқобил воситаларни тақдим этади.

Ушбу модель саккизинчи синфдаги барча мактаб ўқувчиларига янада кўпроқ таъсир қилиш учун келтирилади. Бу экологик таълим-тарбия ўқувчиларга етиб боришидан ташқари, жамиятда, оилаларда таъсири янада кенгроқ бўлиши кутилмоқда, чунки болалар барқарор турмуш тарзи ҳақидаги хабарни уйда ўз оилаларига етказишади.

Шаҳар экологиясининг парадигмаси: экология “шаҳар учун”

Яқинда шаҳар экологияси парадигмаси яратилди: **экология "шаҳар учун"**, ушбу парадигма тизимли ва ижодий **"билим-ҳаракат"**га асосланган трансформацион моделни тақдим этишга интилади.

Шундай қилиб, ушбу янги парадигма экологларни шаҳар келажагини янада барқарор шакллантириш учун бошқа мутахассислар ва шаҳар аҳолиси билан ҳамкорлик қилишга ундайди. Шу маънода, Лахти ўн йилдан ортиқ вақтдан бери маҳаллий мактаблар, саноат сектори, кичик ва ўрта корхоналар, давлат муассасалари ва ҳатто Финляндиянинг бошқа шаҳарлари билан биргаликда далилларга асосланган "магистрал" дастурларни ҳаракатга келтирмоқда. Шунингдек, барча даражадаги олимлар ва манфаатдор томонларнинг тажрибаси атроф-муҳитга ғамхўрлик қилиш стратегиясининг асосини ташкил этади. Бу усуллар барча режалар, бюджет ва ҳаракатларга жорий этилади.

Стокгольмдан (2010-йил мукофоти) Лахти (2021 йил мукофоти)гача Европа Яшил Пойтахт мукофоти юқори маррани ўрнатди ва кўплаб Европа шаҳарларини экологик жиҳатдан тоза, яшаш учун қулай, соғлом ва бардошли шаҳарларга айлантириш сари олға ҳаракатлантирди. Биз бутун дунё бўйлаб шаҳарларнинг долзарб экологик ва ижтимоий жиҳатларини ҳал қилишда кўпроқ интизомий ёндашувга ўтиш имконини берувчи тизимли қарашларни илгари суриш учун Европа Яшил пойтахти каби мукофотларни намуна қилиб кўрсатишимиз мумкин. Шаҳарлар ўз тизимларининг табиати ва ўзига хос хусусиятларини тарғиб қилиш учун аҳолига батафсилроқ маълумот беради, бунда шаҳар экологлари ҳал қилувчи субъектлар ҳисобланади.

Финляндия: дунёнинг энг яхши яшил мамлакати

Индекс барқарорлик соҳасидаги етакчи академиклар ва сиёсатчилар томонидан тузилган бўлиб, улар Финляндия пойтахти ҳақидаги хулосаларида "Хелсинки ўзининг барча фаолиятида яшил кадриятларни тарғиб қилишга содиқдир ... у глобал муаммоларни унутмасдан, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишни яхшилашда давом этмоқда" деб ҳисоблайдилар.

Индекс Финляндияни "дунёнинг энг яхши яшил мамлакати" сифатида белгилайди ва Хелсинкининг барча аҳолиси учун яшил майдонларнинг миқдори ҳамда улардан фойдаланиш имкониятига, шунингдек, дунёдаги энг тоза жамоат транспортига эга эканлигига алоҳида эътибор қаратади.

2021 йилги рейтингда Швециянинг Гётебург шаҳри биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Копенгаген, Рейкявик ва Осло учинчи ўринни эгаллади. Финляндиянинг Эспоо шаҳри ҳам Брюссел билан бирга ўнинчи ўринни эгаллади.

Жорий шаҳарлар ва экологик жиҳатдан яшашга қулай, соғлом турмуш тарзга эга шаҳарлар ўртасидаги тафовутни бартараф этиш бошқарув, дизайн ва режалаштиришда юқори сифатли илмий далилларга асосланган билимларни талаб қилади. Бундай мураккаб жараённи бошқаришда шаҳарларнинг экологик, ижтимоий ва структуравий ўлчамларини узоқ муддатли мониторинг қилиш яхши самара беради.

Шуниси эътиборга лойиқки, барча кўзда тутилган мақсадлар, тегишли манбалар манфаатдор томонлар учун муваффақият сари асосий омил бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Лахтининг асосий экологик мақсадлари куйидагилардан иборат:

– 2025 йилгача углеродсиз шаҳарга айланиш, яъни 1990 йил даражасига нисбатан иссиқхона газлари чиқиндиларини 80 фоизга қисқартириш;

– 2050 йилга келиб чиқиндисиз айланма иқтисодий шаҳарга айланиш;

– табиатни, ер усти ва ер ости сувларининг қимматли ҳудудларини муҳофаза қилиш ва 2030 йилга келиб ҳудудларнинг камида 8 фоизини қатъий муҳофаза қилиш;

– одамларни ўз турмуш тарзини Ягона сайёрада яшашга кўпроқ ўзгартиришга ундаш (масалан, экологик тоза транспорт ва қайта тикланадиган энергия турларига риоя қилиш орқали).

Бугунги кунда Лахтининг ўзгариш тарихи илҳом манбаи ҳисобланади, чунки шаҳар глобал таъсирга эга бўлган кенгайтириладиган экологик ечимларни таклиф қилади, жумладан, шаҳар муаммолари экологиядан муаммосиз атроф-муҳит муҳитига ўтиши бошқа шаҳарларга қараганда илгарилаб бормокда.